

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

---

**ХАЙИТОВ БАҲОДИРЖОН АБДУЛБОРИЕВИЧ**

**БИОФАБРИКАЛАРДА МУМ КУЯСИ ҚУРТНИ ОЗИҚЛАНТИРИШ ВА  
УНДАН БРАКОН КЎПАЙТИРИШДА ЭЛЕКТРОКИМЎВИЙ  
ФАОЛЛАШТИРИЛГАН СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**АНДИЖОН-2022**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

**Хайитов Баходиржон Абдулбориевич**

Биофабрикаларда мум куяси қуртини озиклантириш ва ундан бракон  
кўпайтиришда электрохимёвий фаоллаштирилган сувдан фойдаланиш

.....3

**Хайитов Баходиржон Абдулбориевич**

Использование на биофабриках электрохимически активированной воды при  
кормлении гусениц восковой моли и разведении бракона..... 21

**Hayitov Bahodirjon Abdulboriyevich**

The use of electrochemically activated water for feeding and breeding wax worms in  
biofactories..... 39

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**ХАЙИТОВ БАҲОДИРЖОН АБДУЛБОРИЕВИЧ**

**БИОФАБРИКАЛАРДА МУМ КУЯСИ ҚУРТНИ ОЗИҚЛАНТИРИШ ВА  
УНДАН БРАКОН КЎПАЙТИРИШДА ЭЛЕКТРОКИМЁВИЙ  
ФАОЛЛАШТИРИЛГАН СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон-2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Qx358 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Наманган муҳандислик-қурилиш институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг ([www.andqhai.uz](http://www.andqhai.uz)) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилига жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Абдуллаев Мураджон Турсунович</b> қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент
<b>Расмий оponentлар:</b>	<b>Юсунова Махпуза Нўъмоновна</b> қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент <b>Жумаев Расул Ахматович</b> қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институти.</b>

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси химояси Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ҳузурдаги PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 рақамли Илмий кенгагининг «17» 02 2022 йил соат 15<sup>46</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170600, Андижон вилояти, Андижон тумани, Куйганёр ш.ф.й. Олийгоҳ кўчаси 1-уй. Тел.: (99874) 373-10-54; факс: (99874) 373-13-63; e-mail: [agai\\_info@edu.uz](mailto:agai_info@edu.uz). Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти Мазмурий биноси, 1-кават, анжуманлар зали)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№17 рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 170600, Андижон тумани, Куйганёр шаҳарчаси, Олийгоҳ кўчаси 1 уй. Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (99874) 373-10-54.

Диссертация автореферати 2022 йил «07» 02 куни тарқатилди.

(2022 йил «07» 02 даги 17 рақамли реестр баённомаси)



**А.Исаилов**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
раиси, к/х.ф.д., профессор.

**С.О.Абдурахмонов**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к/х.ф.д., к.и.х.

**К.С.Комплов**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.и.,  
доцент.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда атроф-муҳитнинг глобал равишда ўзгариши қишлоқ хўжалиги экинларига турли касаллик ва зараркунандаларнинг таъсир кўламини ортиб боришига олиб келмоқда. «Зараркунандаларнинг салбий таъсири дунё қишлоқ хўжалигида 1,4 триллион долларга тенг деб баҳоланиб, бу ялпи ички маҳсулотнинг 5 фоизини ташкил этади»<sup>1</sup>. Дунё миқёсида ҳар йили қишлоқ хўжалик экинларининг 34,2 фоиз ҳосили зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлар таъсирида йўқотилади. Шу нуқтаи назардан қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш муҳимдир. Ўсимликларни ҳимоялаш дастурларида кўпроқ биологик усулга кимёвий усулга нисбатан устуворлик берилиши, агротехник тадбирларнинг янада такомиллаштирилиши, умуман агробиоценозлардан зараркунанда организмлар авж олишини ўсимликларга иқтисодий зарар келтирмайдиган даражада бошқариб турилиши, атроф муҳит экологик мувозанатини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида зараркунанда ҳашаротларга қарши курашнинг кимёвий, физик-механик ва биологик усулларида кенг фойдаланилади. Бу усуллар ўзининг ишлаб чиқариш соҳаси, қўлланилиши, қиймати, самарадорлиги ва атроф-муҳитга таъсири билан биридан фарқ қилади. Айниқса, зараркунанда ҳашаротларга қарши курашишда биологик усуллардан фойдаланиш арзонлиги, маҳсулот сифатига салбий таъсир этмаслиги, атроф-муҳитга безарарлиги билан бошқа усулларга нисбатан самаралидир. Шу нуқтаи назардан ўсимликларнинг зараркунандаларига қарши курашда қўлланилиб келинаётган биологик восита браконни янги технологиялар асосида кўпайтириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Республикамизда кенг кўламли аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида ўсимликларни зараркунандаларига қарши курашишнинг биологик усуллари кенг кўламда ривожлантириш, биоматериаллар сифатини яхшилаш, биологик препаратларни ишлаб чиқариш соҳасида олиб борилаётган илмий изланишларда юқори натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси учинчи йўналишида “...мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш, касаллик ва зараркунандаларга чидамли қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтиришга қаратилган муҳим вазифалар белгиланган”<sup>2</sup>. Мазкур йўналишда қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашишда қўлланиладиган биологик воситаларни кўпайтиришнинг янги технологияларини яратиш, биомаҳсулотлар сифатини яхшилаш жуда муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июлдаги №ПҚ-5185-сон “Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси

<sup>1</sup> <http://www.fao.org/docrep/018/i3300e/i3300e.pdf>.

<sup>2</sup> <https://lex.uz/ru/docs/3107036>

агентлигини ташкил этиш тўғрисида” ги қарорида “Экин майдонларида захарли кимёвий моддалардан (пестицид) фойдаланиш амалиётини кескин қисқартириш, зараркунандаларга қарши курашишда энтомофаглардан фойдаланиш чораларини кўриш асосий вазифалар этиб белгиланган”<sup>3</sup>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги №ПҚ-4861-сон “Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорида зарарли организмларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига таъсирини илмий жиҳатдан ўрганиш, уларни зарарсизлантиришнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш ва янги турдаги энтомофаглар яратиш каби масалалар ўз аксини топган”<sup>4</sup>. Шунингдек, 2000 йил 31 августдаги №116-сон “Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 мартдаги №ВМ 148-сон “Ўсимликларни ҳимоя қилиш хизмати тузилмасини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Катта мум куясини сунъий озуқа муҳитларида озиклантириш ва бракон кўпайтириш бўйича хорижий олимлардан S.D.Beck, M.Coskun, F.B.Paddock, G.R.Stairs, G.Chauvin, Hanumantha Swamy, M.Bernardova, N.Marston, B.Campbell, M.Ashfad Nohad, Kadhun Al-Temenu, F.A.Eischen, M.H.Naydak, J.F.Bronskill, A.Balazs, S.Dorna, D.Mehdi, P.A.Elliopus, G.J.Stathas ва бошқалар тадқиқотлар олиб боришган. МДХ мамлакатлари бўйича Т.В.Перехвальской, Н.А.Спиридонов, Е.М.Шагов, Я.И.Жакаускене, С.Е.Штайн, В.Я.Исмаилов, Ж.А.Ширинян, О.И.Квасенковлар тадқиқотлар олиб боришган. Республикамизда заракунандаларга қарши биологик усулда курашиш ва бракон кўпайтириш бўйича Х.Р.Мирзалиева Б.А.Сулаймонов, Х.Х.Кимсанбоев, Ш.Т.Хўжаев, С.А.Алимухамедов, А.Қодиров, Б.П.Адашкевич, М.И.Рашидов, Р.А.Жумаев, А.Анорбоев, А.У.Сагдуллаев, М.Т.Арслоновлар илмий изланишлар олиб борганлар. Сувни электрокимёвий фаоллаштириш ва ундан фойдаланиш бўйича хорижий олимлардан С.Ким, О.Кuzmin, А.І.Мarynin, V.Liato, МДХ мамлакатлари бўйича С.А.Алёхин, В.М.Бахир, Б.И.Леонов, В.И.Прилуцкий, А.А.Былгаева, В.И.Вторенко, И.М.Осадченко, О.А.Паско, Г.А.Плутахин Э.А.Каменирлар тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Бироқ, юқоридаги тадқиқот ишларида катта мум куяси куртини

<sup>3</sup> <https://lex.uz/docs/-5514212>

<sup>4</sup> <https://lex.uz/ru/docs/5044682>

озиклантириш ва ундан бракон кўпайтиришда электрокимёвий фаоллаштирилган сувдан фойдаланиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти иши №ИОТ-2016-5-28 - рақамли “Электрокимёвий фаоллаштирилган сув асосида мум куяси қуртини озиклантириш ва ундан бракон кўпайтириш технологияси” мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** биофабрика шароитида катта мум куяси (*Galleria mellonella*) қуртини озиклантиришда электрокимёвий фаоллаштирилган сувдан фойдаланиб, янги озуқа муҳитини қуртларнинг пуштдорлиги, ўртача вазни, яшовчанлигига таъсири ва ундан кўпайтирилган браконни (*Habrabracon hebetor* Say) дала шароитида кўсак қуртига (*Helicoverpa armigera* Hb) қарши биологик самарадорлигини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

катта мум куяси қуртини электрокимёвий фаоллаштирилган сув асосида табиий сув билан таққосланган ҳолда (амалдаги усул) озиклантириш ва меъёрий шароитларини аниқлаш;

рН қиймати ҳар хил бўлган электрокимёвий фаоллаштирилган сувда тайёрланган турли хил сунъий озуқа муҳитида кўпайтирилган катта мум куясини ривожланишини аниқлаш;

катта мум куясинининг морфофизиологик параметрларига озуқа муҳитларининг таъсири аниқлаш;

электрокимёвий фаоллаштирилган сув асосида тайёрлаган сунъий озуқа муҳитида озиклантирилган катта мум куяси қуртидан бракон кўпайтириш;

янги сунъий озуқа муҳитида озиклантирилган катта мум куяси қуртларида кўпайтирилган браконни дала шароитидаги биологик самарадорлигини ўрганиш;

электрокимёвий фаоллаштирилган сув асосида тайёрлаган сунъий озуқа муҳитида катта мум куяси қуртини озиклантириш ва ундан бракон кўпайтиришни амалиётга жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида биологическая лаборатория шароитида катта мум куяси (*Galleria mellonella*) қурти, электрокимёвий фаоллаштирилган сув, электрокимёвий фаоллаштирилган сув асосида тайёрланган озуқа, ушбу озуқа билан парваришланган қуртларда кўпайтирилган бракон (*Habrabracon hebetor* Say), Наманган вилояти тупроқ-иқлим шароити танланган.

**Тадқиқот предмети** бўлиб, катта мум куясини (*Galleria mellonella*) электрокимёвий фаоллаштирилган сув асосида озиклантириш ва ундан бракон кўпайтириш технологияси, уларни қўллаш усул ва воситалари ҳамда браконнинг биологик ва иқтисодий самарадорлиги ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда сувни электрокимёвий фаоллаштириш С.А.Алехин, В.М.Бахир усулларида, фаоллаштирилган сувни кимёвий таҳлил қилиш ГОСТ 4389-72, ГОСТ 4245-72, ГОСТ 4151-72 рақамли давлат стандартларидан, катта мум куясини сунъий озуқа муҳитида кўпайтириш Х.Р.Мирзалиева (1981), А.У.Сагдуллаев ва бошқалар (2012) томонидан тавсия этилган услублардан, катта мум куясини сифат

кўрсаткичларини аниқлаш Х.Х.Кимсанбоев тавсияларига асосан ҳамда электрокимёвий фаоллаштирилган сув асосида озиклантирилган катта мум куяси қуртларида кўпайтирилган браконни дала шароитдаги биологик самарадорлигини аниқлаш Ш.Т.Хўжаев услублари асосида амалга оширилган. Шунингдек, диссертацияда энтомологик, биотехнологик ва статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор биофабрика шароитида катта мум куяси қуртларини озиклантириш ва ундан бракон кўпайтиришда электрокимёвий фаоллаштирилган сувнинг ишқорий муҳитга ( $pH=9,5-10$ ) эга бўлган католит қисмидан фойдаланишнинг меъёрий шароитлари аниқланган;

катта мум куяси қуртларини электрокимёвий фаоллаштирилган сув асосида тайёрланган турли ҳил сунъий озук муҳитларида кўпайтирилганда уларнинг яшовчанлиги (3,5-5,25%), пуштдорлиги (30-50 донага) ва қуртларнинг ўртача вазни (3,5-6,1 мг) ортганлиги аниқланган;

катта мум куяси қуртларидан бракон чиқиши электрокимёвий фаоллаштирилган сув асосида озиклантирилганда назорат вариантыга нисбатан 200 дона қурт ҳисобида Х.Р.Мирзалиева рецепти бўйича 46 дона, ЎҲҚИТИ рецепти бўйича эса 81,5 донага кўплиги аниқланган.

электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод суви ( $pH=10\pm 0,5$ ) ишлатилган Х.Р.Мирзалиева рецепти асосида кўпайтирилган браконни кўсак қуртига қарши биологик самарадорлиги 10-кунда 60,0% ва ЎҲҚИТИ рецептида эса 66,6 % ни ташкил этган.

**Тадқиқотларнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўсимликларни ҳимоя қилишда электрокимёвий фаоллаштирилган сув асосида кўпайтирилган браконнинг биологик ва иқтисодий самарадорлиги аниқланган;

бракон ишлаб чиқаришда назорат вариантыда 1 дона бракон таннари 8,06 сўм, электрокимёвий фаоллаштирилган сув ишлатилган ЎҲҚИТИ рецептида 7,13 сўм ва Х.Р.Мирзалиева рецептида эса 7,29 сўмни ташкил этиб, рентабеллик даражаси назоратга нисбатан ЎҲҚИТИ рецептида 14,4% га, Х.Р.Мирзалиева рецептида эса 11,7 % га ортишига эришилган;

ғўза агробιοοсенозида кўсак қуртига қарши электрокимёвий фаоллаштирилган сув асосида озиклантирилган мум куяси қуртида кўпайтирилган браконни қўлланилганда назорат вариантыга нисбатан 3,2-4,5 ц/га қўшимча ҳосил сақлаб қолишга эришилган;

электрокимёвий фаоллаштирилган сув асосида тайёрланган сунъий озук муҳитида озиклантирилган катта мум куяси қуртидан бракон кўпайтириш технологияси яратилган ва амалиётга жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Диссертация ишида лаборатория ва дала тажрибаларини бажаришда тасдиқланган услублардан фойдаланилганлиги ва олинган маълумотларга ишлов берилганлиги; назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келганлиги; аниқланган қонуниятлар ва хулосалар асосланганлиги; диссертация ишида қўлланилган услубларнинг тадқиқотларни бажаришга мослиги, олинган натижаларнинг республика ва хорижий олимлар тажрибалари билан таққосланганлиги, маълумотларнинг

ишончлилиги, тадқиқотлар йўналиши Давлат буюртмалари бўйича инновацион лойиҳанинг таркибий қисми эканлиги, тадқиқотлар натижалари республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек, тадқиқотлар натижалари асосида “Мум куяси куртини кўпайтиришда электрокимёвий фаоллаштирилган сувдан фойдаланиш усули” бўйича **ихтирога патент** олинганлиги (IAP 05798, 2019 йил), янги технология асосида ишлаб чиқарилган браконга Республика “Биосифат” марказий лабораторияси томонидан, **техник паспорт** ва бимаҳсулот сифат кўрсаткичлари бўйича **сертификат** берилганлиги, илмий мақолалар чоп этилганлиги, ишлаб чиқаришга тавсиялар тайёрланиб, натижалар бўйича далолатномалар тасдиқланганлиги ва уларни амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти биофабрика шароитида катта мум куяси куртларини озиклантиришда электрокимёвий фаоллаштирилган сувнинг ишқорий муҳитга эга қисмидан ( $pH=10\pm 0,5$ ) фойдаланишнинг меъёрий шароитлари ҳамда ишқорий муҳитда озиклантирилган катта мум куяси куртларининг яшовчанлиги 3,5-5,25% гача, пуштдорлиги 30-50 донага ва куртларнинг ўртача вазни 3,5-6,1 мг юқори бўлишилиги илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти электрокимёвий фаоллаштирилган сув асосида озиклантирилган катта мум куяси куртларидан бракон чиқиши (200 дона курт ҳисобида) Х.Р.Мирзалиева рецепти бўйича 46 донага, ЎХҚИТИ рецепти бўйича эса 81,5 донага кўплиги, браконни кўсак куртига қарши биологик самарадорлиги 10-кунда 60,0% ва 66,6 % ни ташкил этганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Биофабрикаларда мум куяси куртини озиклантириш ва ундан бракон кўпайтиришда электрокимёвий фаоллаштирилган сувдан фойдаланиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

мум куяси куртини кўпайтиришда электрокимёвий фаоллаштирилган сувдан фойдаланиш усулига Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти (№IAP 05798) олинган. Бунинг натижасида биомаҳсулотлар кўпайтиришда электрокимёвий фаоллаштирилган сувдан фойдаланиш технологияси амалиётга жорий этилди;

электрокимёвий фаоллаштирилган сув асосида тайёрланган озуқаларда кўпайтирилган катта мум куяси куртларидан олинган браконни кўсак куртига қарши курашда Наманган вилоятининг Чуст туманидаги Зарафшон, Варзик, Ғалаба ММТП, Наманган туманидаги Пахтаобод ММТП, Мингбулоқ туманидаги Навоий, Наманган, Хоразм ММТП ҳудудларидаги жами 7040 гектар майдонда ва Тўрақўрғон тумани “Қўрғонча оқ олтини” фермер хўжалигининг 35 гектарли пахта майдонларида қўлланилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 21 октябрдаги 02/025-3385-сон маълумотномаси). Натижада назорат вариантыга нисбатан 3,2-4,5 ц/га кўшимча ҳосил сақлаб қолишга эришилган;

“Мум куяси куртини кўпайтиришда электрокимёвий фаоллаштирилган сувдан фойдаланиш усули” бўйича тавсиянома тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 21 октябрдаги 02/025-3385-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома 2017 йилдан буён Наманган “Биосервис” МЖЧда бракон кўпайтиришда фойдаланилмоқда.

2018 йилда электрокимёвий фаоллаштирилган сув асосида мум куяси куртини озиклантириш ва ундан бракон кўпайтириш усулини амалиётга жорий этиш бўйича Андижон вилояти Балиқчи тумани “БИО” хусусий ишлаб чиқариш биофабрикасида тадқиқотлар ўтказилиб, 5 млн. донга бракон ишлаб чиқарилган ва 3000 гектардан ортиқ пахта майдонида кўсак куртига қарши курашда фойдаланилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 21 октябрдаги 02/025-3385-сон маълумотномаси). Натижада самарадорлик амалдаги усулга нисбатан 19-20% ни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 9 та бўлиб, 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамалардан ўтган. Битта ихтиро учун патент олинган. Ушбу ихтиро энг долзарб ва тижоратлаштиришга энг мақбул патентлар 17 талик рўйхатига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 02.09.2020 йилдаги 04-14/3258 сонли хати) ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Scopus базасига кирган журналларда 1 та, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертацияларининг илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 4 та хорижий ва 5 та республика илмий журналларда, 4 та халқаро ва 5 та республика миқёсидаги конференцияларда маърузалар билан иштирок этилган. 1 та ихтиро учун патент олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотни амалга оширишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республикадаги фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш даражаси кўрсатилган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўсимликларни зараркунандалардан химоя қилиш, биологик усулнинг моҳияти ва бракон кўпайтириш технологиялари”** деб номланган биринчи бобида ўсимлик зараркунандаларига қарши курашнинг

биологик усуллари, катта мум куяси куртининг морфологияси, биоэкологик кўрсаткичлари, ривожланишига таъсир этувчи омиллар, лаборатория шароитида кўпайтириш ҳамда ундан биологическая шароитида бракон кўпайтириш технологиялари келтирилган. Шунингдек, “Қишлоқ хўжалигида электрохимий ишлов берилган сувдан фойдаланиш” деб номланган бўлимида сувнинг физик-химий хоссалари, уни электрохимий фаоллаштириш, электрохимий жараёнларнинг тирик организмларнинг ҳаёт фаолиятига боғлиқлиги келтирилган. Чоп этилган материалларни батафсил ва чуқур таҳлил қилиш асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ҳудудининг агроиклимий тавсифи, тадқиқот материаллари ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ҳудудининг агроиклимий тавсифи, тадқиқот объектлари, предметлари ва услублари, электрохимий фаоллаштирилган сувни физик-химий таҳлил қилиш усуллари, катта мум куясини (*Galleria mellonella*) биологик ва сифат кўрсаткичлари, лаборатория шароитида электрохимий фаоллаштирилган сув асосида катта мум куясини кўпайтиришга таъсир этувчи омиллар, катта мум куяси куртидан браконларни учиб чиқиш кўрсаткичлари, браконнинг дала шароитидаги биологик самарадорлиги ва иқтисодий самарадорликни ўрганиш усуллари келтирилган.

**“Биомахсулотлар кўпайтиришда электрохимий фаоллаштирилган сувдан фойдаланиш усули”** деб номланган учинчи боби электрохимий фаоллаштириш қурилмаси тавсифи, сувни электрохимий фаоллаштириш механизми, электрохимий фаоллаштирилган сувни аналитик таҳлил қилиш, электрохимий фаоллаштирилган сув асосида катта мум куяси куртини турли хил озуқа муҳитида кўпайтириш ва озуқаларни мум куяси курти сифатига таъсири, сунъий озуқа муҳитларда кўпайтирилган катта мум куяси (*Galleria mellonella*) куртларини морфофизиологик кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги, куртларнинг озуқаларни ўзлаштириши ҳамда электрохимий фаоллаштирилган сув асосида озиклантирилган мум куяси куртидан бракон кўпайтириш технологиясини ўрганишга бағишланган.

**“Электрохимий фаоллаштирилган сув асосида кўпайтирилган браконнинг биологик ва ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлаш”** деб номланган тўртинчи боби тажриба даласида ғўза тунлами ривожланиш динамикасининг фенологик кузатув натижалари, электрохимий фаоллаштирилган сув асосида озиклантирилган мум куяси куртида кўпайтирилган браконни (*Bracon hebetor* Say) кўсак курти (*Helicoverpa armigera* Нв)га қарши қўллаш ва биологик самарадорлигини аниқлаш, электрохимий фаоллаштирилган сув асосида мум куяси куртида бракон кўпайтириш технологиясининг иқтисодий самарадорлигини аниқлашга бағишланган.

Электрохимий фаоллаштирилган сув асосида тайёрланган сунъий озуқа муҳитларда мум куяси куртини озиклантириш ва ундан бракон кўпайтириш технологиясини яратиш бўйича тадқиқотларда сувнинг физик-химий хоссаларини ўрганиш, олинган сув намуналарни электрохимий фаоллаштириш, химий таркибини асосан рН-водород кўрсаткичи қийматлари ва умумий қаттиқлиги бўйича таҳлил этиш назарда тутилди. Бунинг учун

Наманган ва Фарғона канали ҳамда водопровод сувларидан 50 литрдан намуналар олинди.

Қурилмада сувнинг электрокимёвий усулда фаоллаштиришнинг меъёрий вақти ва олинган анолит ва католитларнинг кимёвий ва физикавий хоссалари, турғунлигининг энг мақбул вариантыни танлаш мақсадида тажриба учун олинган сув намуналари турли вақтларда (1 дақиқадан 10 дақиқача) электрокимёвий ишлов берилган, энг меъёрий вақт 9-10 дақиқа оралиғида бўлишини аниқланди. Ўлчашлар дастлабки дақиқаларда сувнинг кимёвий таркиби кам ўзгарганлигини кескин ўзгаришлар эса асосан 7-10 дақиқа оралиғидаги вақтларда содир бўлишини исботлади. Бунда асосан сувдаги ҳосил бўлган кислотали муҳит (анолит)нинг рН қиймати 3,8-3,5 оралиғида ҳамда ишқорий муҳитга эга бўлган (католит)нинг қиймати эса 10,5-11,3 оралиғида ўзгарганлигини кузатилди.


Олинган натижаларга кўра ишқорий муҳитга эга бўлган сув (католит)нинг умумий қаттиқлиги электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод сувида 2,1 мг.экв/дм<sup>3</sup> ни, электрокимёвий фаоллаштирилган Наманган канали сувида 2,4 мг.экв/дм<sup>3</sup> ни, электрокимёвий фаоллаштирилган Фарғона канали сувида эса 2,3 мг.экв/дм<sup>3</sup> ни ташкил этди. Хлорид Cl<sup>-</sup> иони миқдори электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод сувида 31,2 мг/дм<sup>3</sup> ни, электрокимёвий фаоллаштирилган Наманган канали сувида 33,5 мг/дм<sup>3</sup> ни, электрокимёвий фаоллаштирилган Фарғона канали сувида эса 35,2 мг/дм<sup>3</sup> ни ташкил этди. Шунингдек, сульфат ионлари SO<sub>4</sub><sup>2-</sup> миқдори электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод сувида 28 мг/дм<sup>3</sup> ни, электрокимёвий фаоллаштирилган Наманган канали сувида 42 мг/дм<sup>3</sup> ни, электрокимёвий фаоллаштирилган Фарғона канали сувида эса 39 мг/дм<sup>3</sup> ни ташкил этди. Таҳлил натижалари барча вариантлардаги электрокимёвий фаоллаштирилган сувнинг ишқорий муҳитдаги ҳолатида умумий қаттиқлиги, хлорид ва сульфат ионлари миқдори меъёрий кўрсаткичлардан анча пастлигини кўрсатди.

Кислотали муҳитга эга бўлган сув (анолит)нинг умумий қаттиқлиги электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод сувида 3,6 мг.экв/дм<sup>3</sup> (фаоллаштиришдан олдинги қиймати 5,7 мг.экв/дм<sup>3</sup>)ни, электрокимёвий фаоллаштирилган Наманган канали сувида 4,1 мг.экв/дм<sup>3</sup> ни, электрокимёвий фаоллаштирилган Фарғона канали сувида эса 4,0 мг.экв/дм<sup>3</sup> ни ташкил этди. Хлорид Cl<sup>-</sup> иони миқдори электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод сувида 44,2 мг/дм<sup>3</sup> ни, электрокимёвий фаоллаштирилган Наманган канали сувида 48,5 мг/дм<sup>3</sup> ни, электрокимёвий фаоллаштирилган Фарғона канали сувида эса 46,2 мг.экв/дм<sup>3</sup> ни ташкил этди. Шунингдек, сульфат ионлари SO<sub>4</sub><sup>2-</sup> миқдори электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод сувида 146 мг/дм<sup>3</sup> ни, электрокимёвий фаоллаштирилган Наманган канали сувида 165 мг/дм<sup>3</sup> ни, электрокимёвий фаоллаштирилган Фарғона канали сувида эса 151 мг/дм<sup>3</sup> ни ташкил этди. Таҳлиллар электрокимёвий фаоллаштирилган сувнинг кислотали муҳитдаги ҳолатида қаттиқлиги хлоридлар ва сульфатлар миқдори меъёрий кўрсаткичлардан биров кам, лекин ишқорий муҳитдаги католит сувдан юқорилигини кўрсатади.

2017 йилда тажрибалар 4 та вариантдан иборат бўлиб, 5 такрорийликда ўтказилди. 1-вариантда (назорат) намлаш ишларида оддий водопровод сувидан,

2-вариантда рН=9 га тенг бўлган электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод сувидан, 3-вариантда рН=10 га тенг бўлган электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод сувидан ва 4-вариантда рН=11 га тенг бўлган электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод сувидан фойдаланилди.

Тажирибаларда олинган натижаларга кўра оддий фаоллаштирилмаган водопровод сувнинг умумий қаттиқлиги 5,8 мг.экв/дм<sup>3</sup>, ишқорий муҳитга эга рН=9±0,5 бўлган электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод сувнинг умумий қаттиқлиги 2,3 мг.экв/дм<sup>3</sup>, рН=10±0,5 бўлган электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод сувнинг умумий қаттиқлиги 2,2 мг.экв/дм<sup>3</sup>, рН=11±0,5 бўлган электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод сувнинг умумий қаттиқлиги эса 2,1 мг.экв/дм<sup>3</sup> ни ташкил этди. Хлорид Cl<sup>-</sup> иони миқдори оддий фаоллаштирилмаган водопровод сувида 50,6 мг/дм<sup>3</sup>, рН=9±0,5 бўлган электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод сувида 32,3 мг/дм<sup>3</sup>, рН=10±0,5 бўлган электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод сувида 31,4 мг/дм<sup>3</sup>, рН=11±0,5 бўлган электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод сувида эса 31,0 мг/дм<sup>3</sup> ни ташкил этди. Сульфат SO<sub>4</sub><sup>2-</sup> ионлари миқдори оддий фаоллаштирилмаган водопровод сувида 168 мг/дм<sup>3</sup>, рН=9±0,5 бўлган электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод сувида 36 мг/дм<sup>3</sup>, рН=10±0,5 бўлган электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод сувида 32 мг/дм<sup>3</sup>, рН=11±0,5 бўлган электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод сувида эса 30 мг.экв/дм<sup>3</sup> ни ташкил этди. Ишқорий муҳит (католит) даги водопровод сувида сувнинг умумий қаттиқлиги, хлоридлар ва сульфатлар миқдори электрокимёвий фаоллаштирилган сувнинг водород кўрсаткичи ортиши билан унга тескари равишда камайиб бориши кузатилади (1-расм).



**1-расм. Ишқорий муҳитга эга бўлган водопровод сувининг физик-кимёвий кўрсаткичлари**

Электрокимёвий фаоллаштирилган сув асосида катта мум қуяси куртини озиклантириш ва меъёрий шароитларини ўрганиш юзасидан тажирибалар Наманган вилояти “БИСЕРВИС” МЧЖ корхонаси билан ҳамкорликда 2016-2018 йилларда ўтказилди.

Тажриба натижалари 1-назорат вариантыда ЎХҚИТИ рецепти бўйича 100 дона тухумдан қуртларнинг чиқиши 82,5 дона, ғумбаклар сони 71,5 дона, капалакларнинг учиб чиқиши 63 донани, Х.Р.Мирзалиева рецепти бўйича эса қуртларнинг чиқиши 83 дона, ғумбаклар сони 71 дона, капалакларнинг чиқиши 61,25 донани ташкил этди. Электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод суви (рН 9,5-10) фойдаланилган 2-вариантда ЎХҚИТИ рецепти бўйича 100 дона тухумдан қуртларнинг чиқиши 88,5 дона, ғумбаклар сони 76,25 дона, капалакларнинг учиб чиқиши 68 донани, Х.Р.Мирзалиева рецепти бўйича эса қуртларнинг чиқиши 86,75 дона, ғумбаклар сони 72,25 дона, капалакларнинг чиқиши 63 донани ташкил этди. Қолган вариантларда яъни, Наманган канали суви (рН 9,5-10) фойдаланилган 3-вариантда ЎХҚИТИ ва Х.Р.Мирзалиева рецептлари бўйича эса қуртларнинг чиқиши мос равишда 87,25-86,0 дона, ғумбаклар сони 73,25-72,25 дона, капалакларнинг чиқиши 63,0- 62,25 донани ташкил этди. Қолган 4-вариантда ЎХҚИТИ ва Х.Р.Мирзалиева рецептлари бўйича 100 дона тухумдан қуртларнинг чиқиши, ғумбаклар сони, капалакларнинг учиб чиқиши юқоридаги вариантлардаги натижаларга яқин бўлиши аниқланди (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Электрокимёвий фаоллаштирилган сув асосида катта мум куяси қуртини турли хил сунъий озуқа муҳитларида кўпайтириш (2016-2018 йй.)

Т/р	Тажриба вариантлари	Олинган тухумлар сони, дона	ЎХҚИТИ рецепти			Х.Р.Мирзалиева рецепти		
			Қуртларни чиқиши, дона	Ғумбаклар сони, дона	Капалакларни чиқиши, дона	Қуртларни чиқиши, дона	Ғумбаклар сони, дона	Капалакларни чиқиши, дона
1.	Назорат (амалдаги усул)	100	82,5	71,5	63,0	83,0	71,0	61,25
2.	Электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод суви (рН=9,5-10)	100	88,5	76,25	68,0	86,75	72,25	63,0
3.	Электрокимёвий фаоллаштирилган Наманган канали суви (рН=9,5-10)	100	87,25	73,25	63,75	86,0	72,75	62,25
4.	Электрокимёвий фаоллаштирилган Фарғона канали суви (рН=9,5-10)	100	86,0	73,00	64,25	85,75	71,75	61,75
	ЭКФ <sub>05</sub> =		1,2	0,6	1,1	0,8	0,6	0,9

Катта мум куясининг личинка ва ғумбаклик фазаларида уларнинг вазни, капалаклар жинси ва пуштдорлиги аниқланди.

Тажриба натижаларига кўра электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод сувидан фойдаланилган ЎХҚИТИ рецепти бўйича олинган

капалаклар сони 5 дона, назорат вариантыга нисбатан 2 вариантда олинган тухумлар 6,7 мг (205 дона), тухумдан чиққан 1 та қуртнинг ўртача вазни 6,7 мг (221 дона), 1 дона ғумбакнинг ўртача вазни 4,7 мг (117,6 дона), капалаклар 161,2 дона кўп бўлиши аниқланди. Назорат вариантыга нисбатан 3 вариантда эса олинган тухумлар 2,75 мг (80 дона), тухумдан чиққан 1 та қуртнинг ўртача вазни 1,4 мг (88 дона), 1 дона ғумбакнинг ўртача вазни 2,1 мг (60 дона), капалаклар 73 дона кўп бўлиши аниқланди (2-жадвал).


## 2-жадвал

### Электрокимёвий фаоллаштирилган сув асосида мум куясини пуштдорлиги, қуртлар ва ғумбакларнинг вазнини аниқлаш (2016-2018 йй.)

Т/р	Тажриба вариантлари	Капалаклар	Олинган тухумлар		Тухумдан чиққан қуртлар		Ғумбаклар		Капалаклар	
		±0	мг	дона	дона	1 дона қуртни ўртача вазни, мг	дона	1 дона ғумбак ўртача вазни, мг	дона	жинслар нисбати
1.	Назорат (амалдаги усул)	5,0	65,5	1900	1596±0,4	141,6	1276±0,3	149,3	1085±0,2	1:1,05
2.	ЭФ водопровод суви (рН=10±0,5) ЎҲҚИТИ	5,0	72,2	2105	1817±0,5	148,3	1453±0,5	154,0	1246±0,3	1:1,3
3.	ЭФ водопровод суви(рН=10±0,5) Х.Р.Мирзалиева	5,0	68,25	1980	1684±0,3	143,0	1336±0,3	151,4	1158±0,4	1:1,2
	ЭКФ <sub>05</sub> =			150,0	162,0		89,0		110,0	

Сунъий озука муҳитларида қуртларнинг ривожланиши ва яшовчанлигини ўрганиш бўйича ўтказилган тажрибалар ЎҲҚИТИ рецепти бўйича озиклантирилган қуртларнинг яшовчанлиги назоратга нисбатан рН=9±0,5 бўлган 2 вариантда 1,25% юқори бўлган. 3 вариантда (рН=10±0,5) қуртларнинг яшовчанлиги нафақат назорат вариантыга нисбатан, аксинча, қолган вариантларга нисбатан ҳам юқори эканлиги аниқланди (2-расм).

Электрокимёвий фаоллаштирилган сув асосида тайёрланган иккинчи рецепт (Х.Р.Мирзалиева) бўйича қуртларнинг яшовчанлиги назоратга нисбатан рН=9±0,5 бўлган 2 вариантда 1,0% юқори бўлган. 3 вариант (ЎҲҚИТИ)да (рН=10±0,5) қуртларнинг яшовчанлиги қолган барча вариантларга нисбатан ҳам юқори эканлиги аниқланди.



**2-расм. Сунъий озуқа муҳитларда қуртларнинг яшовчанлиги**

Бунда назоратга нисбатан яшовчанлиги-3,5%, иккинчи ва тўртинчи вариантга нисбатан тегишлича 2,5 ва 2,75 % юқори бўлганлиги аниқланди. Олиб борилган тажриба натижаларига кўра, ҳар иккала рецепт бўйича катта мум қуяси қуртларининг яшовчанлиги pH=10±0,5 ЭФС вариантда назоратга нисбатан фарқи мос равишда 5,25 ва 3,5 % ни ташкил этди ва ривожланишини давомийлиги 0,4 ва 0,6 кунга камайган. Лекин, ЎХҚИТИ рецептдаги озуқа муҳити таркибида pH=10±0,5 бўлган электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод сувида ивитилган олма қоқида (повидло) тайёрланган маккажўхори уни борлиги билан фарқ қилишини ҳисобга олган ҳолда хулоса қилиш мумкин, яъни бу ерда морфофизиологик кўрсаткичлари ва яшовчанлиги иккинчи рецепт (Х.Р.Мирзалиева)га нисбатан юқори бўлган.

Ўтказилган тажриба натижалари pH=10±0,5 бўлган электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод суви ишлатилган вариант бошқа вариантларга нисбатан самарадорлиги юқори бўлганлиги учун кейинги тадқиқотлар ушбу вариант асосида олиб борилди.

Тадқиқотлар давомида олинган катта ёшдаги етилган мум қуяси қуртлардан браконларнинг чиқиши аниқланди. Бунда электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод суви (pH=10±0,5) асосида ЎХҚИТИ рецепти бўйича тайёрланган озуқа ишлатилган иккинчи вариант 1 ва 3 вариантга нисбатан браконнинг чиқиши бўйича яхши самара бериши кузатилди. Бунда назорат вариантыга нисбатан 81,5 дона, электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод суви асосида Х.Р.Мирзалиева рецепти бўйича тайёрланган озуқа ишлатилган вариантга нисбатан эса 35,5 дона кўп бўлди (3-жадвал).

Тажриба натижалари асосида энг меъёрий шароитда электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод суви (pH=10±0,5) асосида озиклантирилган катта мум қуяси қуртларидан бракон кўпайтириш бўйича ҳам тажрибалар ўтказилди.

**3-жадвал**

**Электрокимёвий фаоллаштирилган сувда тайёрланган озуқаларда кўпайтирилган катта мум куяси қуртларидан браконнинг чиқиши (2016-2018 йй.)**

